

МАЪЛУМОТНОМА

(“Uzbekistan Airways” АЖ томонидан 2024 йилнинг 2-чи ярим йиллик давомида ходимларини коррупцияга қарши курашиш ва савиясини ошириш мақсадида малакаларини оширилганлиги тўғрисидаги)

2024 йилнинг 2-чи ярим йиллик якуни бўйича “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш ва уларга қарши самарали курашиш бўйича ҳуқуқий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш ички назорат ва комплаенс хизмати ходимлари коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлардаги ишчи ходимларни Республикамизнинг бир қатор нуфузли малака ошириш марказларида ўқитилди.

Жумладан:


“Uzbekistan Helicopters” МЧЖ корхонаси Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати ходимлари Л.Ю.Мамажанов ва Э.М. Гурвицлар томонидан жорий йилнинг 29-31 июл кунлари “CERT Academy group” ўқув марказида менежмент тизимида Коррупцияга қарши курашиш малака ошириш курсларини муофакятли тамомлади, 4-6 октябрь кунлари “CERT Academy group” ўқув марказида *“сифат менежменти тизимининг асосий тамойиллари ва талаблари, менежмент тизимини мониторинг қилиш ва такомиллаштириш, коррупция хавфини баҳолаш ва бошқариш усуллари, бошқарув тизимини жорий этишнинг амалий жиҳатлари, сиёсат ва тартибларни ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши мавжуд чораларнинг ички аудити”* малакалари оширилди.

Жорий йилнинг 7-10 октябрь ойларида «Uzbekistan Airways» ишчи ходимлари Тошкент молия институти ҳузуридаги хўжалик ҳисобида ишловчи молия - банк ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро институтида ўқув семинар бўлиб ўтди мазкур ўқув курсида «Uzbekistan Airways» АЖ ва таркибига кирувчи ташкилотлардан жами 4 нафар ходимлар малакалари оширилди. Шунингдек 2024 йил 9 сентябр куни 15-593/11-сонли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристларни малакасини ошириш марказининг хатига асосан. Жорий йилнинг ноябр ойида «Uzbekistan Airways» АЖ Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс хизмати, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси, ижтимоий сиёсат бўлими ходимлари, жами 21 нафар *“Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш”* мавзусида онлайн-семинарда малака ва кўникмалари оширилди. «Uzbekistan Airways» АЖ ишчи ходимлари малака ошириш курсларида иштирок этиб ижобий натижалар кўрсатишди.

**Коррупцияга қарши курашиш
ва комплаенс хизмати бошлиғи**

№ 73/24
2024 йил “06” 12

Ижр: Ж. Рустамов
Тел: 78 140-45-68


А.А. Абдувахобов